



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 июл, сешанба № 117 (1131)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Газетамизнинг ушбу сонда республикамиз спортчиларнинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари ва ўлкамизда баркамол авлодни камол топтириш йўлидаги кенг миқёсли ишлар хусусида ҳикоя қилинади.

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА МУЗҚАЙМОҚ ЦЕХИ

Хива туманининг Рўздат Мадаминов номли жамоа хўжалигига қарашли «Муқаддам» музқаймоқ ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига эндигина бир ой бўлди. Корхона киска вақт ичида кўпчилик эътиборини қозона олди.

Соатига 128 килограмм музқаймоқ ишлаб чиқарилаётган бу митти корхонада кунига 6-7 минг дона музқаймоқ тайёрланаётир. Корхонада 8 нафар ёш меҳнат қилади. Улар тайёр маҳсулотни Хива тумани аҳолисига ҳамда вилоятнинг бошқа ҳудудларига етказиб беришмоқда.

Суратларда: (чапдан) Наргиза Ниёзматова, Бижаон Кутлиева ва Хурмат Мадаминов; жамоа

хўжалигига қарашли «Муқаддам» музқаймоқ ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига эндигина бир ой бўлди. Корхона киска вақт ичида кўпчилик эътиборини қозона олди.

Феруз ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Хукуматимиз тadbиркорликка кенг йўл очиб бераётганини яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қўндаланг қўйилган масалалар кўла-мидан ҳам билиш мумкин. Унда айниқса, ишсизлик муаммосини ҳал қилишнинг энг самарали йўли — кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тadbиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эканлиги жуда тўғри таъкидланди. Шу маънода Фарғона шаҳрлик тadbиркор аёл Феруза Ёқубованинг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир. У банкдан бир миллион сўм кредит олиб кичик тиувчилик цехини очди.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЯДИ

Малакали чеварлардан тўрт нафарини уюштирган бу жамоа спорт кийимлари тикишга ихтисослашди. Иш юришгач, ишчилар сони бир неча баробар ортди. Маҳсулот ҳам кўпайди. Эндиликда бу цех шаҳардаги деярли барча спорт мақабларини кийим-кечаклар билан таъминлаб келаяпти. Шунга яраша янги мижозлар сони ҳам ортиб бораётир. Шаҳар дўконларида улар тайёрлаган моллар кўрина бошлади. Феруза-хон келгусида иш ўринларини, ишлаб чиқариш миқдорини бир неча баравар кўпайтиришга, маҳсулот турини 20 дан зиёдга етказишга аҳд қилган. Ишбилармон аёл бошлик жамоа тайёрлаган маҳсулотлар ҳадемай, хорижий машхур «Адидас»лари билан беллаша ажаб эмас. Бунинг учун имкониятлар бор. Хусусан, улар ярим йилликни 570 минг соф фойда билан яқунлашди. О.СҮФИХОНОВ.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон — минтақадаги биринчи рақамли спорт мамлакати! Шайх Аҳмад АС-САБОХ, Осиё Олимпия Кенгаши Президенти.

Мен дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлганман. Турли даражадаги мусобақаларда бевосита иштирок этганман. Очигини айтсам, «Мустақиллик кубоги»нинг 1-Гранпри турнирига у қадар эътибор бермагандик. Лекин унинг шамоли шунчалик кучли бўлдики, бизга бу турнир катта мусобақа майдонини очиш билан бирга буюк юртни кашф этиб берди.

Рафаэл МАРТИНЕТТИ, Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси (FILA) вице-президенти.

Бундан 15 йиллар муқаддам Тошкентда бўлгандим. Уша пайтдаги шаҳар қиёфаси, спорт иншоотларининг кўри-ниши бугунгидан анча кўрimsиз эди. Бугун пойтахтингиздаги «Жар», «Юнусобод» спорт мажмуалари, очиги хайратимни оширди. Халқда спортга, спортчиларга бўлган меҳрини кўриб қаттиқ таъсирландим. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг дунёга мағрур тантанасидир.

Александр МЕДВЕД, 3 карра Олимпиада, 7 карра жаҳон чемпиони.

Биз истиқлол йилларида бунёд этилган кўплаб спорт иншоотларини, уларда яратилган ажойиб шарт-шароитларни кўриб жуда қувондик. Мамлакатингиз Президентининг ўзи бу эзгу ишларнинг ташаббускори ва ҳомийси бўлаётганлиги ҳар қандай таҳсинга лойиқ.

Бу БУИНГ-ТЕХ, 14-Осиё ўйинлари ташкилий кўмитасининг Президенти.

Спортчи учун озгина шароит ва эътибор бўлса бас, у ҳар қандай мусобақада галаба қозониши бегумон. «Мустақиллик кубоги»да мен ана шу шароит ва эътиборнинг гувоҳи бўлдим. Бу жиҳатдан ўзбекистонлик спортчиларнинг омади бор экан. Ишонаманки, яқин йилларда бу турнирда сабоқ олган ёшларингиздан Олимпиада, Жаҳон чемпионлари етишиб чиқади.

Юрий МЕЛЬНИЧЕНКО, Олимпиада чемпиони.

«Тошкент Оупен» ва Ўзбекистон менинг ҳаётимда энг ёрқин из қолдирадиган бўлди. Кейинчалик ҳам қайсидир турнирларда голиблик nasib турар, лекин Тошкент мен учун ҳамиша энг қадрлиси ва энг ажойиби бўлиб қолади.

Бианка ЛАМАДЕ, «Тошкент Оупен-2001» голиби.

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ БЕХАТАР

Қашқадарёлик йўлсозлар «Нукус-Бухоро-Қарши-Ғузор» автомабиль йўлининг 705-километрдаги темир йўл кесилишида қурилаётган улкан кўприкни маамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрамига фойдаланишга топшириш ниятида. Лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмлик кўприк қурилишида

70 фоиз иш бажариб бўлинди. Бу ерда 135 нафар йўлсоз, 200 га яқин техника кечаю кундуз ишламоқда. Ушбу иншоот вилоятдаги энг улкан кўприк бўлади, - дейди «Қашқадарёавтойўл» бирлашмасининг бошлиғи, Олий Мажлис депутати Қ.Панжиев. - Иншоот қурилишида бирлашмага қараш-

ли 7 та йўл қурилиш ташкилоти иштирок этмоқда. Қарши-Когон темир йўлининг муҳим бўғинига айланган бу кўприк вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, темир йўл ва автомабиль йўлларида қатнов хавф-сизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. (ЎЗА).

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам, аҳолининг қўндаланг турмуш эҳтиёжларини қондиришда ҳам ўрта ва кичик бизнеснинг аҳамияти катта. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришгач дастлабки кўнларданок тadbиркорликка катта йўл очиб берилди. Республика Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 17 июлдаги йиғилишида сўзлаган тарихий нутқида илгари сурилган қонда ва ҳулосалар, кенг қўламли вазифалар тadbиркорлик соҳасидаги харақатни янги поғонага кўтаришга мустаҳкам асос яратди.

Тadbиркорлик хислати самарқандликларнинг қониди бор. Бу касб-хунар уларга ота-мерос. Чунки, шаҳар Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашгани учун тижорат, хунармандчилик, майда ишлаб чиқариш шаклланиб, ривожланаверган. Бу аъёналар ҳатто собиқ Иттифоқ даврида ҳам йўқолиб кетмагани алоҳида эътирофга лойиқдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, вилоятда тadbиркорлик шиддат билан ривожланди. Бунинг Тўйлоқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хозир маъзур туманда ўрта ва кичик бизнес соҳасида 660 та корхона ҳамда фирмалар, 1438 та яқка тартибдаги тadbиркор фаолият кўрсатаётган. Холбуки, 6-7 йил муқаддам уларнинг сони ҳозиргидан 3-4 баравар кам эди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўлами, турлари бармоқ билан санарли эди. Хозир-чи? Масалан, «Алишер-Ж» хусусий корхонасини олиб кўрайлик. У анчадан буён қурилиш-таъмирлаш юмушлари билан машғул. Тadbиркор Инобат Тўрақулова раҳбарлигидаги 83 кишилик жамоанинг бир йиллик бажарадиган иш ҳажми 110-120 миллион сўмликни ташкил этади. Маъзур корхонанинг вилоятдагина эмас, балки Жиззах, Тошкент вилоятларида ҳам доимий бўртмачилари бор. «Истиқлол» масъулияти чекланган жамият фаолияти ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин.



ТАДБИРКОРЛИК: МУАММО ВА БҲИМ

Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланади, аниқроғи, мевалар қурилиб, қадоқланади. Тайёр маҳсулот асосан Россия ва Болтиқбўйи республикаларига жўнатилади. «Султон-М» фермер хўжалиғи эса деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билангина чекланиб қолмай, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, дорихона очди, савдо-маиший хизмат мажмуини ташкил қилди. Хусусий ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйган яқка тadbиркорлар Орзиқул Назаров, Муҳаббат Турсунова қабиладнинг фаолияти ҳам ибратлидир.

Муҳими, тadbиркорларнинг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиб, аҳолига турли хизматлар кўрсатаётганлиги кишини қувонтиради. Мана, бир мисол. Туманда яқка тартибдаги тadbиркорларнинг 60-70 фоизи 1994 йилда савдо воситачилик билан шуғулланган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг 80 фоизи бевосита ишлаб чиқариш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан банд бўлди. Бу юртимизда чинакам тadbиркорлик шаклланаётганининг, тadbиркорлар ўз манфаатларидан кўра жамият манфаатини устун

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида гапирилган эди


қўётганининг исботидир. Биз туман тadbиркорларининг фаолиятини фақат олқишлаш ниятидан йироқмиз. Соҳага тегишли муаммолар ҳам кўп. Масалан,



рур бўлган жиддий масалалар кўп. Масалан, биринчидан, бизнинг имкониятимиз чекланган. Иккинчидан, тadbиркорларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган тажрибали ҳуқуқшуносларимиз йўқ. Учинчидан, уларга кредит беришда банк муассасалари палата хулосаси билан ҳаммиша ҳам ҳисоблашавермайди. Назорат идоралари гоҳида текширувлар ҳақида палатага хабар ҳам беришмайди. Холбуки, палата аъзоларига ана шу масалаларда биз малакали амалий ёрдам беришимиз керак. Ўрни келганда баъзи мулоҳазаларимни билдирсам. Яъни, тadbиркорларни рўйхатга олиш палата орқали амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу уларни уюштиришга ёрдам беради. Кредит ажратишда палата тавсиясини инобатга олиниши ёки палатанинг ихтиёрида тadbиркорларга кредит беришга мўлжалланган маблағ бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Яна бир мулоҳаза. Масалан, айтилик, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозими жорий қилиш учун молиявий имконият топса бўлади, албатта. Кредит масаласида эса катта сармоёга эга хусусий корхоналарнинг маблағини маълум маънода бирлаштириб, палата тасаруфида жамғарма ташкил қилса бўлмасмикан?! Энг муҳими, мавқени мустаҳкамлаш учун самарали ишлар билан тadbиркорларнинг ишончини оқлаш керак. Чунки чинакам тadbиркорлар ҳалол, танти одамлардир. Улар гирромликка, адолатсизликка асло чидоолмайди. Хуллас, туманда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида ўрганишга арзийдиган тажрибалар бор. Ҳамма гап уларни изчил ҳаётга таътиб етишда қолган.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

МЕН УЛУҒ ЮРТ ПОЛВОНИМАН



— Билсангиз, барча галабаларим — самбо бўйича 6 марта жаҳон, 4 карра қитъа ва бир неча марта мамлакат чемпионлигига асосан мустақиллик йилларида эришганман. Туронзаминнинг ифтихори бўлган миллий кураш бўйича илк Жаҳон биринчилигида зафар кучишим эса айниқса мен учун фахрлидир. Аслида, ўзида мардлик, тантилик, ҳалолликни жамлаган, бугун бутун дунё халқларини ошурфта этган миллий курашимизнинг жаҳонга юз тутишининг ўзи озодликнинг улғу иъёми, эмасми?!

Шунинг учун ҳам қайда бўлмай, ҳар доим мени «Ўзбекистон ифтихори» дея сийлаган, умуман, истеъдодларнинг қадрига етаётган халқим, Юртбошимиз ишончини оқлашга, галабаларим билан уларни қувонтиришга интилараман.

Акобир ҚУРБОНОВ, миллий кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси.

ЧЕМПИОННИ МАҲАЛЛАЛАРДАН ҚИДИРИНГ

«Шермуҳаммад Кўзиев Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади». Оққўрғон туманидаги Уста Нормат маҳалласи аҳли маҳалладошлари — терма жамоаси аъзоси Азамат Мўминов, стол теннисини бўйича вилоят голиби Людмила Чапенколар ҳам айна шу маҳаллада истиқомат қилишади.

Беш минг нафар аҳоли яшайдиган маҳаллада спорт оммавийлигига тўла эришилган, десак асло муволага эмас. Футбол, волейбол, бокс, кураш, стол теннисини, шахмат, шашка каби спорт турлари билан 500 дан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланмоқда.

Беш минг нафар аҳоли яшайдиган маҳаллада спорт оммавийлигига тўла эришилган, десак асло муволага эмас. Футбол, волейбол, бокс, кураш, стол теннисини, шахмат, шашка каби спорт турлари билан 500 дан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. (Давоми 3-бетда).



Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби

Яна роппа-роса бир ойдан сўнг энг улуг байрам — Истиклолнинг 10 йиллик тўйини катта тантаналар билан нишонлаймиз. Ҳа, пок ният, улуг максадларни дилга жо этиб, озодликнинг 11-йилга қадам қўямиз. Агар ўтган давр сарҳисоб этиладиган бўлса, ўзбек спортининг нақадар юксалганига гувоҳ бўламиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимиз спортчилари оламшумул ютуқларни қўлга киритдилар. Қисқа давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жабҳаларда катта юксалишга эришган юртимизни дунё халқлари спорт мамлакатлари сифатида ҳам тан олди. Шунинг қўли билан таъкидлаш оламани, ушбу муваффақиятларни қўлга киритишда меҳнаткашлар ва

ва халқро миқёсдаги мусобақаларда зафар кучганлиги ютуқларимиз салмоғидан дарак беради. Хусусан, фристайл бўйича Л.Черязова, миллий кураш ва самбо бўйича Т.Муҳаммадиев, М.Маҳмудов, Э.Махмарасулов, юнон-рум курашчиси Б.Қурбонов, байдарка ва каноэда эшак эшиш туридан А.Ряхов, спорт гимнастикаси бўйича О.Чусовитина ва С.Бахриддинова каби кўплаб олимпиа-

Мустақиллик йилларида Ватанимиз спортчилари жаҳон ва қитъа миқёсдаги кўплаб беллашуларда муваффақиятли иштирок этдилар. Хусусан, 1991-2000 йиллар мобайнида халқро мусобақаларда 198 та олтин, 269 та кумуш, 323 та бронза медаллари қўлга киритилди.

Халқро мусобақаларда қатнашувчи спортчиларимиз сони тобора ошиб бормоқда. Масалан, агар 1991 йил жаҳон ва Осиё чемпионатларида бор-йўли 18 нафар вақилимиз қатнашган бўлса, 1994 йили бу кўрсаткич 67 тага, 1999 йил эса 96 тага етди.

Қасаба уюшмалари тасарруфиди 102 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, улардан 16 таси Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактабидир. Айни пайтда ушбу БУСМларда 32034 нафар ёш ўғил-қизларимиз тарбияланмоқда.

қасаба уюшма вакиллари ХАЛҚРО МУСОБАҚАЛАРДА

уларнинг оила аъзолари ни соғломлаштирувчи, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя этувчи жамоат ташкилотидир — Республика қасаба уюшмалари қарашли жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зотан, қасаба уюшма спортда фидойиллик ила меҳнат қилаётганлар бугун катта тўйга муносиб туёналар билан келмоқдалар. Хусусан, ўтган давр мобайнида жисмоний тарбия ва спорт жамоалари, уларда шуғулланувчилар сони сезиларли даражада ошди. Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5773 та спорт жамоаси ўзига 1863,0 минг нафар аъзони бирлаштирган. Улардан 666,5 минг мунтазам равишда спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланишмоқда. Улар ихтиёрида эса 236 та стадион, 444 та спорт зали, 107 та сузиш ҳавзаси, 31 та тир, 7214 та спорт майдончаси мавжуд. Шунингдек, тасарруфимиздаги 102 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 32034 нафар ёш малакали мураббийлар раҳбарлигида машғулларда қатнашмоқда.

да, жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари юртимиз довуғини жаҳонга ёйди. 1998 йилнинг 22 май куни қасаба уюшма алпинистлари ер юзининг энг баланд чўққиси саналган Эверестга ҳур Ўзбекистонимиз байроғини қадаб қўйдилар. Ўтган ёзги олимпиада баҳсларида «яшил қитъа» майдонларида эса 26 нафар вақилимиз Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Уларнинг ортида юзлаб фидойи мураббийларимиз, спортчиларимизнинг заҳматли меҳнати ётибди. Ва энг аввало, Хукуматимиз, Президентимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортга берилётган юксак эътибор самараси, Истиклол шарофати бу. Айтганча, мен ўзим соҳиб шўро даврида спортчи бўлганман, турли мусобақаларда иштирок этганман. Шу боис ҳам ишонч билан айта оламанки, у вақтларда халқро мусобақаларда жаҳоннинг ҳар қандай манамен деган спортчиси билан ҳам беллаша оладиган иқтидорлар юртимизда кўплаб топилсади, уларнинг жудаям озчилиги жаҳон майдонларига чиқиш бахтига мушарраф бўла оларди, холос. Шукрки, мустақиллик туфайли кўплаб халқро турнирлар, жаҳон, қитъа биринчиликлари, 2 та олимпиада ўйинларида овоз мамлакат вақиллари сифатида иштирок этдик. Муҳими, бугун спортчиларимизда дилни


хушнуд этадиган бир жиҳат кўзга ташланмоқда. Яъни, халқро мусобақаларга йўл олаётган ҳар бир ҳамоюртимиз қалбиди бугун Ўзбекистонимиз шухрати-га шухрат қўшсам, деган зўр қатъият бор. Бу спортчиларимизда ҳам янгилик фикрлаш, тафаккур тарзи уйғонганлигидан дарак, Истиклол тантанасидир.

Келгуси режаларимиз, амалга оширажак ишларимиз неғизда мамлакатимизнинг ҳар бир оиласига спортни олиб киришдек хайрли ният мужассам. Шу мақсадда қишлоқ ва маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналарда спорт клублари ташкил этилмоқда, оммавий спорт беллашувлари анъана тусини олмақда. Айниқас, Сакарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ташаббускор спорт фахрийлари кўмағида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу эрта-индин ўзининг тотли мевасини беради, деб ўйлайман.

Сўз сўнггида спортчиларимизга шундай тилак билдиришмоқчиман: ҳар бир спортчи халқим, Ватаним, Президентим деб яшасин, улар ортида миллионлар борлигини мудом ҳис қилиб турсин. Зотан, шундагина юксак чўққилар забт этилаверади.

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари.

Унга кириб борар экансиз, аввало атрафнинг бетакрор манзарасидан баҳри дилнигиз очилади. Шарқона усулда ишланган



ЎН ЕТТИ ЁШИДА ДОВРУФ ТАРАТДИ

Жиззах Олимпия захиралари спорт коллежи тарбияланувчиси Олимжон Равшанов умидли ёшлардан. Чунки у ҳали ёш бўлишига қарамадан, тенгдошлари орзу қилгулик ютуқларга эриша олди. Дастлаб Чирчиқ шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида голибликни қўлга киритган бўлса, шу йил Россиянинг Твер шаҳрида ўтказилган халқро турнирда шохсупага кўтарилди. Айни пайтда бўлғуси мусобақаларга қизгин тайёргарлик кўраётган Олимжон келгусида жаҳон кезиб, юртимиз шухратига шухрат қўшишдек эзгу орзумидлар иштиёқиди яшамоқда.

— Олимжондан умидимиз катта, — дейди коллежнинг илмий бўлим мудир Тоҳир Соатов. — Чунки, у меҳнаткаш, тиришқоқ, ўз устиди доимий из-

безаклар ўзлгимиздан, ўзбеклигимиздан сўйлайди, гўё. Музей ичидаги экспонатларни томоша қила туриб, қалбингизда чексиз гурур, шукроналик туйғуларини туясиз. Ва Ватанимиз спортчиларининг оламшумул галабалари кўлайишига, Ўзбекистонимиз спорт орқали дунёга янада дoston бўлишига ишон-


гингиз келади... Айтганча, бу муҳташам иншоот истиқлолнинг беш йиллигига катта туёна бўлган — 1996 йилнинг 1 сентяб-рида кўплаб чет эллик нуфузли меҳмонлар, хусусан, Халқро Олимпия Кўмитаси (ХОК)нинг ўша пайтдаги Президенти Хуан Антонио Самаранч жаноблари иштирокида катта тантаналар билан очилган эди. Кези келганда айтиш жоизки, музей ҳажми ва нуфузи жиҳатидан жаҳонда Лозаннадаги (Швейцария) олимпия музейидан кейинги ўринда туради. Шу боиски музейга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар-да ўз хайратларини ядиролмайдилар. Унинг маънавиятда тутган беқиёс ўрни хусусидаги фикр-мулоҳазалари би-

Репортаж

«ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ» МУЗЕЙИДА

«Олимпия шон-шухрати» музейи шунчаки экспонатлар тўпламидан иборат маскан бўлибгина қолмасдан, балки у маънавий-маърифат ўчоғига, буюк ватанга муносиб фарзандларни тарбиялаш марказига айланмоғини ва жаҳон спорт майдонларида фарзандларимизнинг юксак галабаларини тасвирлайдиган янги экспонатлар билан бойиб боришини истар эдим.

(Президент Ислам Каримовнинг музейнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқидан)



ўйлаган юртгина спортни алқайди. «Олимпия шон-шухрати» музейи эса ана шу эътироф намунасидир. Назаримда, узоқ туманларимиз ёшларининг ҳам музей билан танишишларини таъминлаш керак.


Дарвоқе, музей бугунги кунда ҳақиқий маънавий ўчоғига айланган. Бу ерда ёшлар иштирокида турли учрашув, семинар ва тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Зеро, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук, баркамол авлод бўлиб етишишида, уларни спортга ошно этишда ушбу музейнинг ўрни беқиёс.

Назокат ҚОСИМОВА,
уй бекаси:
— Тўғриси, музейга биринчи бор келишим. Биласизми, бу ердаги экспонатларни кўриб, хайратда қолдим. Юртимиз спортчи ҳақидаги тушунча ошди ва менимча энг муҳими, агар фарзандларим спортчи бўлишни орзу қиладиган бўлишса, уларни жон-дилдан кўллаб-қувватлайман, деган хулосага келдим.

Толлибой ЖАҲОНГИРОВ,
ўқитувчи:
— Келажакни, фарзандларининг камолини

Х.АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Сулола



курашга меҳр қўйдим. Қолаверса, мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиларим Пўлат Суонова ва Турғун Қосимовларнинг ҳам ёрдамлари беқиёс.

Дарҳақиқат, Олимжон устозлари, мураббийлари ўғитишига мудом кулоқ тутадиган, уларнинг хурмат-эҳтиромини ўз ўрнига қўйдиган ўғуллардан. Зеро, 17 ёшли чемпионни ҳали олдинда қанча-қанча довуонлар, сивовлар кутмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

1991 2001 ЗАФАР

- ◆ 1992 йил. Ўзбекистон Миллий Олимпия Кўмитаси ташкил этилди.
- ◆ 1994 йил 28 май-5 июн. Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун биринчи Халқро теннис турнири бўлиб ўтди.
- ◆ 1994 йил. Норвегиянинг Лиллхаммер шаҳрида ўтган қишки олимпия ўйинларида фристайл бўйича вақилимиз Лина Черязова олтин медални қўлга киритди. Худди шу йили спортчиларимиз биринчи бор Японияда ўтказилган Осиё ўйинларида қатнашиб, 10 та олтин, 12 та кумуш ва 20 та бронза нишонига эга бўлишди.
- ◆ 1995 йил. Халқро Олимпия Кўмитасининг Лозанна (Швейцария) шаҳрида бўлиб ўтган конгрессидида Ўзбекистон Миллий Олимпия Кўмитаси ХОКнинг тенг ҳуқуқли аъзоллигига қабул қилинди.
- ◆ 1996 йил 1 сентябр. Тошкентда «Олимпия шон-шухрати» музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.
- ◆ 1998 йил 22 май. Бутун жаҳон бўйлаб хушқабар тарқалди: ер юзининг энг баланд чўққиси — Эверестга ўзбекистонлик бир гуруҳ жасур ва мард алпинистлар юртимиз байроғини ўрнатилди.
- ◆ 1998 йил 6 сентябр. Халқро Кураш Ассоциациясининг I тавсис Конгрессидида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХКА нинг фахрий Президенти этиб сайланди.
- ◆ 1999 йил 1 феврал. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ҳар қандай моҳир спортчи ҳам аввало қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, улар ўтказган спартакиадалар, спорт клублари ҳамда соғломлаштириш гуруҳларида тажриба орттириб, маҳорат поғоналари сари қадам қўяди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси спорт оммавийлигига, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш ишига катта эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, Марказий кўмита раёсати Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида халқ таълими ходимларининг анъанавий 2-республика спартакиадасини ўтказиш тўғриси-

да махсус қарор қабул қилганди. Унга мувофиқ, спартакиаданинг янқувчи бахслари жорий йилнинг 5-7 сентябр кунлари Жиззах шаҳрида ўтказилади. Айни вақтда барча вилоят тармоқ қасаба уюшма

кўмиталари ушбу мусобақада муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик қўришмоқда. Марказий кўмита вилоятларда спорт-соғломлаштириш ишларини

зиёд ҳаваскор спортчилар иштирок этмоқдалар. Бунинг учун қасаба уюшмалари ҳар йили 5 миллион сўмга яқин маблағ ажратмоқда. Тармоқ қасаба уюшма аъзолари

сус ўқув юртларида ҳам ана шундай спартакиадалар ташкиллашти-

Оммавийлик — бош мезон

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ШАҲС КАМОЛОТИ



яхшилаш, меҳнаткашлар саломатлигини жисмоний тарбия ёрдамида мустаҳкамлаш ишига ҳам ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида ёндошмоқда. Хусусан, Хоразм вилоят тармоқ кўмитасига бу борада турли йўл-йўриқ ва ёрдам кўрсатилди. Натижада олдинги силжиш кўзга ташланди. Бугунги кунда вилоятдаги тармоққа қарашли муассасаларда 346 та спорт зали, 607 та спорт майдончаси, 134 та стадион ва 4 та суз ҳавзаси мавжуд бўлиб, улар 299 минг нафар аъзони бирлаштирган спорт тўғрақлари ва соғломлаштириш гуруҳлари ихтиёридадир. Жорий йилда мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида қасаба уюшма маблағлари ҳисобидан 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси ҳам Аналар ва болалар йилида қасаба уюшма аъзолари ҳамда уларнинг фарзандлари ўртасида спорт тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Махсус тадбирлар дастурига биноан олти марта спорт ўйинлари, универсиада ва спартакиада ташкил этилди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги лицей ва коллежлар ўртасида спортнинг етти тури бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилиб, уларда 652 нафар талаба ўз маҳоратини намойиш этди. Вилоят олий ва ўрта мах-

рилли. Профессор-ўқитувчилари ўртасидаги мусобақаларда 462 нафар ҳаваскор-спортчи мини футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича куч синашдилар. Аналар ва болалар йилига бағишланган тармоқлараро спартакиадада эса соҳа ходимлари стритбол ва стол тенниси бўйича биринчи ўринни эгалладилар. Жиззах вилоят тармоқ кўмитаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш, жиҳоз ва анжомлар сотиб олиш учун 791 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шахмат-шашка бўйича Жиззах, теннис бўйича Фаллаорол шаҳарларида, волейбол бўйича эса Бахмал туманида мусобақалар ўтказилди. Жорий йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида вилоят вақиллари энгил атлетика, кураш, во-



лейбол ва теннис бўйича муваффақиятли иштирок этиб, фахрли тўртинчи ўринни эгалладилар. Айни пайтда тармоқ қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган халқ таълими ходимларининг анъанавий спартакиадасига қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Хусусан, Жиззах Олимпия захиралари коллежида ушбу мусобақаларни ўтказиш учун майдонлар ҳозирланмоқда.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

тезда дунёга машҳур қила олмайди

Ислом КАРИМОВ



Қалбни истиклолдан ифтихор, бугундан шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларни ила жунбушга келтирувчи бу воқеани мамлакатимизнинг олис туманларидан бирида кузатганим.

12-14 ёшлардаги бола сочлари жингала, жажжи уқасининг қўлидан ушлаганча йўл четида кетмоқда.

шону-шухратини дунёга ёймоқда. Бу қадримизни қайтариб берган Истиклол шарофати, мустақиллик галабасидир.

Бинобарин, фақат озодликнинг ўтаётган ўн йиллигига бизга ана шундай имконият ҳада этди, фақат Хурриятгина мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг

Ихлос

халқро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Қувонарлиси, ҳамюртларимиз қатор нуфузли мусобақаларда — олимпиада, жаҳон, қитъа кубоги ва чемпионатларда, халқро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Энг муҳими эса, миллий ўйинларимиз қайтадан тугилди. Биргина Турон яққакурашини жаҳон халқлари ажайиб янги спорт тури сифатида кашф этишди. Миллий ғуруримизга айланган кураш 6 қитъани ўзига мафтун этиб бўлди бугун.

Яна бир эътиборли жиҳат, мустақиллик шарофати билан бизга унчалик таниш бўлмаган спорт турлари энг оммавий, энг севимли спорт турларига айланди. Хусусан, ўтган давр мобайнида теннисда мақтагулик ютуқларга эришдикки, бугун Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Ирода Тўлагановаларнинг издошлари — Фаррух Дўстов, Лилия ва Луиза Биктимова, Мурод Иноятов, Акмал Шарипов, Ойгул Омонмуродова, Шарола Дадаҳужаева, Денис Истомин каби ёш юлдузларимиз камол топмоқда.

Ҳа, истиклол берган фахр — ютуқларимиз тўғрисида дилда чексиз гурур ила узоқ гапириб мумкин. Бироқ ўз вақтида сўзни мухтасар этиб, айтмоқ жоиз: галабаларимизнинг бари яқинлашиб келаятган энг катта айём — озодликнинг 10 йиллик тўйига камтарин тўнади. Ютуқларимиз сенга тортиқ, Истиклол!

Камол ОЛЛОЁР, «Ишонч» мухбири.

ЖАЖЖИ МУҲАММАДҚОДИРЛАР

Ғолиб бўлишни қатъий ниёт қилишган


Тили чучуқкина ука эса тинмай сўзлайди:

— Ака, мен каттайсам, Муҳаммадқодий бўйяман. Худди ундай чемпион бўйяман...

Жажжи болакнинг бу самимий сўзлари яна бир воқеани ёдга солди. Адамасам, ҳамюртларимиз Артур Григоряниннинг профессионал боксдаги 12-галабаси онлари эди. Шунда ўзбекнинг асл ўғлини Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, хорижлик ҳамкасбларимизга соф ўзбек талаффузида ҳаяжон-ла шундай интервью берганди:

— Ушбу галабамни жонажон ўзбекистонимга, меҳридарё халқимга, ҳурматли Юртбошимга бағишлайман...

Не саодатки, бугун жажжи ўғил-қизларимиз Муҳаммадқодир Артур, Миржалол Баҳромбек, Ирода Рустамдек бўлиш иштиёқда яшамоқдалар. Наинки фарзандларимиз, балки бутун дунё ўзбек спортига, у эришган ютуқларга ҳавас ила боксмоқда. Мард ва жасур, маҳоратли-спортчиларимиз 10-20 йиллар олдин биров билиб, биров билмас даражага этиб борган ўзбек отини, ўзбекистон номини,



чин маънодаги тараққиётга кенг истикболлар эшигини очиб берди. Ўтган давр мобайнида соҳани ривожлантиришнинг мустақам ҳуқуқий замини яратилди: ёдингиздадир, мустақилликка эришган мамлакатимизнинг илк қонунларидан бири — «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун эди. Шундан сўнг ҳам ҳуқуқимиз томонидан қатор тарихий ҳужжатлар қабул қилиндики, улар ўзбекистонда соҳанинг жаҳон андозлари талабларига мос равишда тараққий этишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, бўлмоқда. Мустақиллик тўғрисида спортчиларимиз мустақил жамоалар тарзида



Бизнинг бугунги ёшлар

ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБИ

Келгусида жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган истеъдодли ёшларни тарбиялаб, камол топтиришда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўрни шубҳасиз, бекиёс. Хусусан, бугун юзлаб ёшлар спортнинг у ёки бу тури бўйича машғулотлар олиб бораётган касабани уюшмалари тасарруфидоги БЎСМлар фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир.

Айни кунда касабани уюшмалари Наманган вилоят кенгаши қарамоғида 2 та ана шундай спорт мактаби иш олиб бормоқда. 3-сонли БЎСМда 300 нафардан ортиқ болалар 21 та гуруҳга бўлинган ҳолда спортнинг футбол ҳамда кўл тўпи турлари бўйича малакали мутахассис-мураббийлар раҳбарлигида машғулотларда қатнашмоқдалар. Спорт мактаби тасарруфидоги «Спартак» уйингоҳи мавжуд бўлиб, унда ўқувчилар кўнглидагидек шугулланишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бундан ташқари, спорт мактаби маъмурияти ҳомий ташкилотлар ҳамда касабани уюшмалари билан ҳамкорликда ёш спортчиларнинг ёз мавсумида мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Чунинчи, сўнгги 2 йил мобайнида юздан ортиқ тарбияланувчилар сўлим Косонсойнинг «Ёшлик» оромгоҳида ўқув-машғулотларда қатнашиш билан бирга мароқли хордиқ ҳам чиқардилар.

Дарвоқе, спорт даргоҳида маданий-маърифий ишларга ҳам катта эътибор қаратилаёттир. Тарбияланувчиларни миллий ватанпарварлик руҳида истиклол ғояларига содиқ инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида турли маъри-

фий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бинобарин, халқро мусобақаларда ватанпарварлик туйғусини қалбани ҳис этмасдан туриб ғолиб бўлиш мумкин эмас.

— Мураббий-ўқитувчиларимиз меҳнати секин-аста ўз самарасини кўрсатмоқда, — дейди спорт мактаби директори Маматхон Акрамов. — Ўқувчиларимиз вилоят ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда ғолиб бўлишмоқда, совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Ростданам, спорт мактаби тарбияланувчиларининг, айниқса, ёш футболчиларнинг кўлга киритаётган ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Масалан, ўтган йили улар Жиззах шаҳрида ташкиллаштирилган Республика касабани уюшмалари спорт мактаблари жамоалари ўртасидаги футбол белла-

Н.КАМОЛОВ.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.



СОЛНОМАСИ

◆ 1999 йил 1-2 май. Тошкентдаги «Жар» ва «Юнусобод» спорт мажмуаларида миллий кураш бўйича I Жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 48 мамлакат полвонлари, 10 дан зиёд мамлакатдан кузатувчилар иштирок этди.

◆ 1999 йил 27 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган Дастури ва концепцияси ўз ифодасини топган.

◆ 2000 йил. Сидней олимпиадаси. Жаҳон чемпиони, ҳамюртларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бу ўзбек ўғлининг ёзги олимпиада ўйинларидаги биринчи олтин медали эди.

◆ 2001 йил январ. Ҳиндистонда бўлиб ўтган шохмот бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасидаги қитъа биринчилигида қатнашган спортчимиз Тимур Гареев Ўзбекистонга янги асрдаги илк олтин медални тўхфа этди.

◆ 2001 йил 30 апрел - 5 май. Жиззах вилоятида ўрта махсус ўқув юртлири талабалари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Беллашуларда 2 мингдан ортиқ талаба ёшлар иштирок этди.

◆ 2001 йил 15-25 май. Тошкент шаҳрида республика мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари-2001» мусобақаларининг финал босқичи зўр муваффақият билан ўтказилди.



Ушбу спорт марказида 10 га яқин клуб ва секциялар фаолият кўрсатмоқда. Уларда футбол, каратэ, теннис, у-шу, муайтай, миллий кураш ва кикбоксинг бўйича олиб борилаётган машғулотларда минг нафарга яқин ўғил-қизлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.



NBU спорт клуби мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, кўплаб спорт турларига мослаштирилган мухтасам спорт қосоналаридан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда 1 та футбол, 1 та мини футбол, 7 та теннис (жумладан, 5 та очик, 2 та ёпиқ корт), 1 та волейбол, 1 та баскетбол, 1 та кўл тўпи ва 1 та гольф майдончасидан ташқари бассейни ва шейпинг заллари ҳам мавжуд бўлиб, улардан кунига мингга яқин ихлосмандлар фойдаланишяпти.

Ёдингизда бўлса, бундан бир йил муқаддам Наманганда мамлакатимиз талаба-ёшларининг «Универсиада-2000» мусобақалари катта муваффақият билан ўтказилган, бахслар поёнида навбатдаги беллашулар мезбонлиги кўҳна ва навқирон Бухорои шарифга топширилган эди.

Айни кунларда етти иқлимга машҳур шаҳарда мусобақаларга тайёргарлик авж паллага кирган. Спорт мажмуалари, ўйингоҳларда олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини кўриб, бунга амин бўлиш мумкин.

Айниқса, мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари, энгил атлетика ва футбол турлари бўйича учрашувларни ўтказиш мўлжалланган «Бухоро» ўйингоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётган. Шу йилнинг эрта баҳорда бошланган бунёдкорлик ишларида айни вақтда иштирок этаётган вилоятнинг «Бухороқурилиш», «Аму-Бухороқурилиш», «Бухорогазсаноктури-

«Универсиада — 2002». Тараддуд

хоро»ни биз қурганмиз, ражак минораларда эса деяр гурурланиб сўзлаб ёритиш усқуналари билан бирга ўйинларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш имконини бера-

лар учун заллар, овқатланиш шохобчалари кабилар ўрин олади. Энг муҳими, янги ўйингоҳ қулайлиги ва шинамлиги жиҳатидан республикамизда ягона, катталиги бўйича учинчи ўринда бўлади.


«БУХОРО» ўЙИНГОҲИ

қурилиши жадал суръатда олиб

борилмоқда

ланса арзигулик қурилиш касб этади. — дея суҳбатга қўшилади мезмор-лойиҳачи Шавкат Ҳасанов. — Бу ерда энгил атлетика, футбол мусобақаларини ўтказиш имконияти яратилди. Мусобақаларни бир йўла 22 минг томошабин кўриши мумкин бўлади. Айтганча, мухлисларга қулайлик тўғрисидаги «Совпластитал» корхонасида ишлаб чиқарилган бежирим ўриндиқлар ўрнатилган бўлиб, замонавий электрон табло ҳамда ўйингоҳнинг чор тарафида қад қута-

диган телекамералар ўрнатилди. Улар Германия ва Франциядан келтирилди. Шунингдек, ўйингоҳ таркибидан меҳмонхона, дам олиш ювиниш хоналари, ҳакамлар ва журналист-



Ўзбекистон халқро миқёсидаги мусобақаларни юксак савияда ташкиллаштирувчи мезбон мамлакатга айланаб бормоқда. Масалан, биргина 1999 йилда юртимизда 30 дан зиёд ана шундай мусобақалар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Кубоги учун теннис бўйича турнир, миллий кураш бўйича I Жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини совринчи учун халқро турнир, эркин ва юппи-рум кураши бўйича аълоавий «Мустақиллик кубоги», бокс бўйича Осиё чемпионатида жаҳоннинг энг кучли спортчилари иштирок этди.

Мамлакатимиз спортининг юксалишида муҳим ўрин тутаётган республика касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидо 5773 та спорт жамоаси бўлиб, улар 1863 минг нафар кишини ўзда бирлаштирган. Уларнинг 666,5 минг мунтазам спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шугулланади.

Олимпиада спорт турлари бўйича мамлакат тарбия жамоаларини шакллантириш ва уларни мусобақаларга тайёрлаш иши спортнинг 32 олимпиада тури бўйича 8 та республика олий спорт маҳорати мактаблари базасида амалга оширилмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда 292 та стадион, 5,5 мингта спорт зали, 37 мингдан зиёд спорт майдончаси мавжуд. Уларнинг кўпчилиги мустақиллик йилларида барпо этилган ёҳуд қайта таъмирланган.

ЧЕМПИОННИ МАҲАЛЛАЛАРДАН ҚИДИРИНГ

(Боши 1-бетда).

Маҳалла аҳли ҳашир йўлланмаларига даъвогарлик қилаёттир. Оммавийликка эришишда туман спорт кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камолот» футбол клуби раҳбарлари ажайиб ташкилотчилиги, Раҳим Болтабоев, Суннат Худойбоқов, Олим Мўминов, Сулаймон Бойбўтаев, Фахриддин Қудратов сингари жонқуяр мураббийлар эса билимдонлиги ва тиниб-тинчимаслиги билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, Вали Сулаймонов, Аҳмад Мирзақулов, Икром Тоштоват, Тангир Мирзақаримов, Гаффор Норматов, Ботир Боймуҳаммедов, Толиб Абдуллаев каби тадбиркорлар ёшларни қўллаб-қувватлаб келишмоқда.

Умуман, бугун Оққўрғон туманида спорт омавий тус олган. Туман бўйича 18 ёшгача бўлган 21 минг, 18 ёшдан юқори бўлган 4 минг нафар киши спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Иккита стадион, 50 дан ортиқ футбол майдончаларида миллионлар ўйинига мейр қўйган 19 нафар футболчи бугунги кунда олий ва биринчи табақа жамоалари таркибиде тўп сурмоқда. Туманнинг «Акмал» футбол клуби эса республика биринчилиги

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!

ИШНИ ҚУЙДАН БОШЛАШ КЕРАК

Жисмоний тарбия ва спортнинг соғлом авлод камолоти, соғлом турмуш тарзи рўёбиде муҳим ўринга эга эканлиги бугун барчага аён. Агар шу нуқтаи назардан мулоҳаза юритилганда бўлса, кўз ўнгимизда мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортга, жумладан, қишлоқ спортига қаратилаётган юксак эътибор ва гамхўрликнинг аҳамияти бор бўйи билан намойён бўлади. Бинобарин, олис қишлоқларимизда истикомат қилаётган юзлаб иқтидорли ёшларимиздан келажакда чемпионолар этишиб чиқиши муқаррар.

Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида жамиятимиз ташаббуси билан соҳанинг тажрибали мутахассислари иштирокида туманларимизда, хўжалиқларимизда ўқув-семинар машғулоти тартибда ташкил этилиб, шу йилнинг 22 февралдан 28 мартга қадар олдиндан тўзилган режа асосида иш олиб борилади. Тўғри, бу каби тадбирлар авваллари ҳам ташкил этилган. Бироқ асосан вилоят марказида ўтказилган бу йилларда узоқ туман касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари етакчилари, хўжалиқ ва ташкилотлар спорт йўриқчиларининг қатнашиши таъминланмас эди. Бу гал эса ҳар бир туман, хўжалиқда семинарлар ўтказиш билан бир қаторда жойларда олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар билан бевосита танишиш, шунингдек, муаммоларни бартараф этиш имконияти яратилди. Масалан, кўплаб спорт йўриқчилари фаолиятида шу нарса кўзга ташландики, улар мусобақаларни меъёрий нормалар асосида расмийлаштириш учун етарли билимга эга эмас эканлар. Ўқув-семинар давомиде уларга оммавий мусобақаларни ташкил этиш, ўтказиш ва ҳужжатлаштириш ишлари борасида кўникмалар, маслаҳатлар берилди.

Натижалар хусусида сўрарсиз. Айта оламаники, саяё-ҳаракатларимиз самараси секин-аста бўй кўрсатмоқда. Масалан, Қарши туманида аввал бор-ўйи 4 нафар спорт йўриқчиси фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 15 тага өтди. Қамачи тумани хўжалиқларининг барчасида спорт йўриқчиси шпати тикланди.

Айни кунларда ушбу йўналишдаги ишларимизни давом эттириб, спорт йўриқчилари фаолиятини назоратга олган ҳолда хўжалиқларимизга сафар уюштириб турибмиз. Зотан, катта ишлар аввало пастки бўғинлар — боғча, мактаб, бригада, қишлоқ ва маҳаллалардан бошланмоғи лозим. Шундангина олис қишлоқ чемпионолари сафи яна-да кенгайверади.

Қодир ТУРДИЕВ, Қашқадарь вилоят касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси.

Назм гулшани

Хоразм азал-азалдан халқ оғзаки ижодининг энг сара намуналарига бой юрт. Унда, айниқса, халфачилик кенг тараққий этган. Кимдир тор чертиб, кимдир доира садосига овозини жўрлаб, яна кимдир эса гармон чалиб, бу кўхна санъатни умрбоқий қилган.


ВИКОРЛИ ШОҒЛАР

Баланддур, баланддур бўйингиз сизнинг, Кўм-кўк либосдадир қирингиз сизнинг. Ҳар бир дардга шифо сувингиз сизнинг, Ассалом алайкум, муаззам тоғлар.

Сиз қуёш бўлдингиз, фалакдай келдим, Қадим Хоразмдан тилакдай келдим. Борлигим ишқ тўла юракдай келдим, Ассалом алайкум, мукаррам тоғлар.

ҚУЁШ ЮРТИ

Қуёш юрти Хоразм, Боғлари гулга кондур. Ҳар бир тоши муқаддас, Шундай жаннатмакондур. Қизлари жайрон мисол, Қошлари обрў-ҳилол. Ҳатто кампирлари ҳам Паридай соҳибжамол.



Гулсара момо РАЖАББОЙ қизи.

ИСТИҚБОЛМИ ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида ўрта махсус таълимнинг янги тизимини яратиш ҳам кўзда тутилган. Шунга кўра «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» деб номланган лойиҳа ҳам юзага келди.

Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими республика маркази мутахассислари томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокида тайёрланган мазкур лойиҳа тўрт йилга мўлжалланган. Лойиҳа қиймати 130 миллион АҚШ доллари миқдорини белгиланган. Уни амалга ошириш учун халқаро экспертлар ҳам таклиф этилди.

Таълим чорраҳаларида

Республикаимиздаги 45 та ўрта бўғин ўқув юртлири негизда янги лойиҳа амалиётга татиб қилинди.

МАСОФА — ЧЕГАРА ЭМАС

Масофадан туриб ўқитиш Ўзбекистон олий

таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Таълимнинг бу истиқболли тармоғини ривожлантириш мақсадида Тошкент Давлат техника университетида «Ўзбекистонда масофадан туриб ўқитиш таълимига кириш» халқаро лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Мазкур лойиҳа халқаро «ТЕМПУС-ТАСИС» дастури доирасида

рўёбга чиқмоқда. Уни амалга оширишда Европа томонидан Германиянинг Гамбург-Ҳарбург ҳамда Нидерландиянинг «ТВЕНТЕ» университетлари қатнашмоқда. Бу олий ўқув юртлири Тошкент техника университетининг «Ҳисоблаш техникаси ва автоматлашган тизимини дастурий таъминлаш» кафедраси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Ўқинг, қизиқ

МИТТИ ТАРЖИМОН

Япониянинг «Эпсон» фирмаси яратган асбоб матнларни инглиз тилидан япон тилига таржима қилаолади. Асбоб матн қаторларини сониясига тўрт сантиметр тезликда етарли даражада олиб боради ва дарчада нероғлиф ёзувидаги таржимасини кўрсатади.



Бу ёруғ жаҳонда инсондан қоладигани яхши ному эзгу ишдир. Йиллар, асрлар ўтса-да, авлодлар неча бор келиб-кетсаларда халқ бунёд этган улкан қошоналар, муаззам иморатлар буюк мерос бўлиб яшайверади.

Авлодлар ушбу улғу ишларни ёд этганларида, хайрат билан боболари қурдирган иншоотларга боққанларида унинг ижодкори, ташаббускори ва раҳнамосига раҳматлар айтадилар. Худди бугун биз Самарқанднинг нилий гумбазларига боқиб ҳазрат Амир Темурни, дунёнинг етти мўъжизасидан бири Тожмаҳалга боқиб Шохжаҳонни ёд этгандек, истиқлол туфайли қад ростлаётган гўзал иморатларга боқиб авлодларимиз унинг яратувчиси ташаббускорига таҳсин ўқийдилар.

Х.МИРЗАКАРИМОВ, С.ЗУФАРОВ, (ЎЗА) олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ



Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир

Чандирликлар қадимий туркман қабилаларидан бўлиб, улар бугунги кунда Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон худудларида истиқомат қилаётирлар. Чандир қишлоғи Қашқадарё воҳасининг йирик манзилгоҳларидан ҳисобланган. Қадимий Ипак йўлида жойлашган. Қишлоқда 2 мингдан зиёд оила, 10 мингдан ортик аҳоли яшайди.

ри, миллий қадриятлари бир-бирига яқин ва уйғунлашган. Чандирдан вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишига самарали ҳисса қўшган кўплаб кадрлар етишиб чиққан. Жўра Хушназаров узоқ йиллар Нишон туманига раҳбарлик қилди, ҳозир нафақада. Тажрибали Мамат хожи Жумақулов эса Фафур Фулом номли қоракўчилик жамоа ҳўжали-

шифохонасининг бош ҳакими, Олтибой «Турон» банки вилоят бўлимининг бошқарувчиси, Мухтор туман ҳокимининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари, Сайфулло қишлоқ касалхонасининг бош врач.

Республика, вилоят раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши туфайли жамоа ҳўжалиги ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олган. Қарийб 1000 гек-

сор О.Жўрақулов, техника фанлари доктори Б.Эшмуродов, иқтисод фанлари номзоди А.Тойиров, тиббиёт фанлари номзоди Х.Жалилов, физика-математика фанлари номзоди Ш.Тойиров ва бошқалар шулар жумласидандир. Қарши туманида биринчи бўлиб жаррохлик операцияларини амалга оширишга Ш.Ниёзқулов, вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врач К.Қувватовларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Чандир туркманлари ўз урф-одатларини, анъаналарини сақлаб қолганлар. Тўғрисиўлик, ростгўйлик, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш, она Ватанга садоқат — уларнинг фазилатидир.

Илоё юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, бўлсин, дейишди биз билан суҳбатда қишлоқ оқсоқоллари Икром Отахонов, Сувои бобо Жўрақулов, Тўра бобо Авазов ва Ризо Эминовлар.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

АСАКАНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

Асака сўлим боғлари, савоатли инсонлари билангина эмас, шифобахш суви билан ҳам машҳур бўлиб бормоқда. Кимё фанлари номзоди Тўлқинбой Иноқовнинг саъй-ҳаракати билан 1994 йилнинг июнида «Асака шифобахш суви» фирмаси ташкил этилиб, минерал сувларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Бизнинг Қонди қишлоғимизда водопровод суви чиқариш учун ҳаракат бошлангандан ичимлик суви билан бирга минерал сув ҳам чиққан эди. Шу тариқа «Асака шифобахш суви»га асос солинди, — дейди фирма раҳбари Тўлқинбой Иноқов. — Бу шифобахш сув Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия институтида синовдан ўтган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан сурункали гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, ўт пуфаги ва буйрақдаги тошлар, гепатит, асаб ва тери касалликлари сингари хасталикларни даволаш учун тавсия этилган. Бундан ташқари, Асака сувидан ёш болалардан кўп учрайдиган қайд қилиш, ич кетишга қарши ишлатиладиган «Регидрон» ўрнида фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари шифобахш сувимиз «Ессентуки» ва «Боржоми» сувлари билан бемалол рақобатлаша олади ва ўзига хос хусусиятлари билан Марказий Осиёда нобб ҳисобланади.

Айни дамда Асака туманининг Қонди қишлоғида жойлашган фирмада кунга икки минг дона қадоқланган шифобахш сув сотувага чиқарилмоқда.

2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги халқимиз савоматлигини муҳофаза этишга кўрсатилаётган ғамхўрлик деб биламан, — дейди фирма раҳбари. — Шунинг учун халқимизнинг шифобахш сувга бўлган талабини тўлароқ қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ниятимиз бу сўлим маскандан яқин фурсатда пансионат ташкил этишдир. Мухаммаджон КАРИМОВ.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.